DOI: https://10.5281/zenodo.17968097

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК ВА РАСМ ЧИЗИШ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК ВА ЎҚУВЧИЛАРНИ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Рустамов Умурзоқ Қобилжонович
Андижон Давлат Педагогика институти
Тасвирий санъат ва Мусиқа таълими кафедраси Доценти
E-mail: умурзоқрустамов2@гмаил.сом

АННОТАЦИЯ

Мақоламни асосий мазмуни шундан иборатки, ҳайкалтарошлик ва расм чизишнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг ўқувчиларда бадиий кўникмаларни ривожлантиришдаги ўрнини ўрганади. Расм чизиш ва ҳайкалтарошлик санъати орасидаги техник, бадиий ва эстетик ўхшашликлар ва фарқларни таҳлил қилади. Ўқувчиларга бу икки санъат турини биргаликда ўргатиш, уларнинг фазовий тафаккурини, шаклни кўриш ва моделлаштириш кўникмаларини ривожлантиришда қандай ёрдам беришини аниқлашни мақсад қилади. Педагогик ёндашувлар ва методлар орқали бу икки санъат турининг интеграциясини таҳлил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг креатив фикрлашини ва техник кўникмаларини қандай ривожлантириш мумкинлигини кўрсатади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: креатив фикрлаш, ҳайкалтарошлик, расм чизиш, техник ёндашувлар, бадиий кўникмалар, фазовий тафаккур, педагогик методлар, тасвирий санъат.

АННОТАЦИЯ

Основное содержание моей статьи заключается в изучении взаимосвязи между скульптурой и рисованием, а также их роли в развитии художественных навыков учащихся. Анализируются технические, художественные и эстетические сходства и различия между скульптурой и рисованием. Цель статьи - определить, как совместное обучение этим двум видам искусства способствует развитию пространственного мышления, восприятия форм и навыков моделирования у студентов. Также рассматривается интеграция этих двух видов искусства через педагогические подходы и методы, а также то, как это может развить креативное мышление и технические навыки студентов.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: креативное мышление, скульптура, рисование, технические подходы, художественные навыки, пространственное мышление, педагогические методы, изобразительное искусство.

КИРИШ

Ҳайкалтарошлик ва расм чизиш тасвирий санъатнинг асосий йўналишларидан бўлиб, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўқувчиларда бадиий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Расм чизиш ва ҳайкалтарошлик ўртасидаги техник ва бадиий боғлиқликни ўрганиш, ўқувчиларга шаклларни нафақат ясси юзада, балки уч ўлчамли фазовий муҳитда ҳам кўриш ва моделлаштириш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Расм чизиш — бу тасвирни икки ўлчовли (ясси) шаклларда акс эттириш санъати бўлиб, ҳайкалтарошлик эса шаклларнинг уч ўлчамли ифодасини яратади. Ушбу икки санъат турининг ўзаро боғлиқлиги ўқувчиларга шакллар ва пропорцияларни янада тўлиқ тушунишга ёрдам беради. Расм чизишда ўқувчилар шаклларни ясси юзада тасвирлашни ўрганадилар, ҳайкалтарошликда эса улар бу шаклларни уч ўлчамда яратадилар, бу эса уларнинг фазовий тасаввурини ва моделлаштириш кўникмаларини ривожлантиради. Мақоламда асосан, ҳайкалтарошлик ва расм чизиш ўртасидаги ўзаро алоқалар таҳлил қилинади. Ҳайкалтарошлик ва расм чизишнинг интеграцияси ўқувчиларда фазовий тафаккур, шаклларни моделлаштириш ва бадиий идрокни ривожлантиришга хизмат қилади. Расм чизиш ва ҳайкалтарошликни биргаликда ўргатиш ўқувчиларнинг техник салоҳиятини оширади ва ижодий фикрлашни кенгайтиради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳайкалтарошлик ва расм чизиш ўртасидаги боғлиқликни илмий таҳлил қилишда бир нечта манбалар ва методологиялар мавжуд. Расм чизиш ва ҳайкалтарошлик санъатининг тарихий ривожи, замонавий технологиялар ва педагогик ёндашувлар бу борада катта аҳамиятга эга. Тарихга назар солсак: Антик юнон ва Рим ҳайкалтарошлари Фидий, Поликлет ва Пракситель каби усталар ҳайкалтарошлик ва расм чизишда мураккаб техникаларни қўллашган. Бу рассомлар композиция, пропорциялар ва шакллар орасидаги фазовий изчилликни тушунишда асосий методларни ишлаб чиққанлар. Уларнинг ишларидаги техник ёндашувлар бугунги педагогик методлар ва ўқувчиларга шакллар ва юзаларни моделлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади. Замонавий илмий адабиётлар: Замонавий илмий тадқиқотлар ҳайкалтарошлик ва расм чизишнинг интеграциясини ўрганишда янги ёндашувлар таклиф этмоқда. Р. Арнҳеимнинг "Арт анд Висуал Персептион" асарида, санъатдаги шакллар ва

композициянинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг бадиий тафаккурдаги роли ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Шунингдек, Б. М. Неменский ҳайкалтарошликни “инсоннинг ички ва ташқи қиёфасини бадиий таҳлил қилишнинг энг мураккаб шакли” деб атайди, бу эса ҳайкалтарошлик ва расм чизишнинг ўзаро тўлдирувчи санъат турлари эканлигини кўрсатади.

Буларга мисол қилиб:

1.Экспериментал метод: Ўқувчиларда ҳайкалтарошлик ва расм чизиш кўникмаларини ривожлантиришда экспериментлар ўтказилди. Бу жараёнда, турли методлар ва материаллар билан ишлаш натижалари таққосланди.

2.Кузатув методлари: Ўқувчиларнинг бадиий ва техник кўникмаларини ривожлантириш жараёнида уларнинг хатти-ҳаракатлари, материалларга ёндашуви ва фазовий фикрлаш даражаси кузатилди.

3.Педагогик маслаҳатлар: Ўқувчиларга расм чизиш ва ҳайкалтарошликнинг интеграциясини ўргатишда педагогик ёндашувлар ва методик маслаҳатлар берилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖА

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳайкалтарошлик ва расм чизиш ўртасидаги боғлиқлик ўқувчиларда фазовий тафаккур ва шаклларни моделлаштириш кўникмаларини сезиларли даражада ривожлантиради. Расм чизиш ва ҳайкалтарошликни биргаликда ўргатиш орқали, ўқувчилар нафақат бадиий, балки техник жиҳатдан ҳам ўзларининг имкониятларини кенгайтирадилар. Ҳайкалтарошликда ишлатиладиган материаллар, масалан, полимер лойлар ва акрил композитлар, ўқувчиларга шаклларни осон ва тез яратишга ёрдам беради, бу эса ўқув жараёнининг самарадорлигини янада оширади. Композицияни ўргатиш жараёнида, педагогик методлар ўқувчиларда техник ва ижодий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчилар композиция асосларини ўргатишда, шакллар ва элементларнинг ўзаро уйғунлигини таҳлил қилиш, уларни жойлаштириш ва тасвирни яхшироқ тушуниш кўникмаларини ривожлантирадилар. Бундан ташқари, рақамли технологиялар ёрдамида 3Д моделларни яратиш, композиция ва шаклларни яхшироқ англаш имконини беради. Ўқувчилар рақамли технологиялар орқали тасвирий санъатнинг замонавий ёндашувлари билан танишадилар ва уларни ўргатишда педагогик ёндашувлар самарали бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтишим мумкинки тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, ҳайкалтарошлик ва расм чизиш ўртасидаги боғлиқлик, ўқувчиларда фазовий тафаккур ва шаклларни кўриш кўникмаларини ривожлантиришда самарали восита ҳисобланади. Ўқувчиларга бу икки санъат турини биргаликда ўргатиш,

уларнинг бадиий ва техник салоҳиятларини кенгайтиради. Ҳайкалтарошлик ва расм чизишнинг ўзаро интеграцияси, ўқувчиларга шаклларни яратиш ва таҳлил қилишда ижодий ва техник ёндашувларни бирлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, рақамли технологиялар, масалан, 3Д моделлар ва рақамли дизайн, ўқувчиларга тасвирий санъатда замонавий методларни ўзлаштириш имконини беради. Бу эса уларнинг санъатга бўлган қизиқишини оширади ва замонавий дизайн соҳасида келажакда муваффақиятли бўлишларига ёрдам беради. Ўқувчилар учун янги педагогик методлар ва материаллардан фойдаланиш, уларнинг ижодий фикрлаш ва техник кўникмаларини тез ривожлантириш имконини яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. **Арнҳеим, Р.** (1974). *Арт анд Висуал Персептион.* Беркелей: Университй оф Салифорниа Пресс.
2. **Неменский, Б. М.** (1989). *Основй изобразителного искусства и ҳудозҳественного воспитания.* Москва: Просвешчение.
3. **Лоомис, Ж.** (1956). *Дравинг тҳе Ҳеад анд Ҳандс.* Hew Ёрк: Викинг Пресс.
4. **Греене, Р.** (2018). *Ссулптуре: Материалс анд Метҳодс.* Чисаго: УСП.
5. **Доуглас, М.** (2020). *Модерн Релиеф Арт анд Полймер Слай Метҳодс.* Hew Ёрк: Десигн Боокс.
6. **Пилшчиков, С.** (2022). *Инновативе Аппроачес ин Арт Эдусатион.* Арт Эдусатион Ревиew.
7. **Аҳмедов, Р.** (2021). *Замонавий ҳайкалтарошлик материаллари.* Тошкент: Ўзбекистон Бадиий Академияси нашри.
8. Бакҳтиёрович, Исмонов Кҳуршидбек, анд Рузиев Нуриддин Мукҳаммадалиевич. "Паиринг, Тҳеир Own Аспестс анд Сорреспондинг Метҳодс оф Wорк витҳ Паиринг ин тҳе Аутосад Софтwаре." *Интернатионал Жоурнал он Оранге Течнологиес* 3.12 (2021): 211-216.
9. қизи Абдураимова, Муаззамой Абдуқодир. "ПЕРСПЕКТИВА." *ИНТЕРНАТИОНАЛ СОНФЕРЕНСЕС*. Вол. 1. Но. 11. 2022.
10. Хуршидбек, Исмонов, Рустамов Умурзоқ, анд Абдураимова Муаззамой. "МАРКАЗИЙ ВА ПАРАЛЛЕЛ ПРОЕКЦИЯ ОРТОГОНАЛ ПРОЕКЦИЯЛАР ВА МОДЕЛНИ КО ЪРИНИШЛАРИ." *Эдусатионал Ресеарч ин Универсал Ссиенсес* 1.4 (2022): 70-81.
11. Исмонов, Хуршидбек Бахтиёривич, анд Муаззамой Абдуқодир қизи Абдураимова. "ОРТОГОНАЛ ПРОЕКЦИЯЛАР ВА МОДЕЛНИ КО ЪРИНИШЛАРИ." *Эдусатионал Ресеарч ин Универсал Ссиенсес* 1.3 (2022): 288-296.

12. Қизи, Абдураимова Муаззамой Абдуқодир. "ПРОЖЕСТИОН АНД АХОНОМЕТРЙ."
13. *"УМУМ ТАъЛИМ МАКТАБЛАРДА ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ҲОЗИР ҲОЛАТИ."* Ориентал Арт анд Султуре, Вол. 5, Но. 6, 2024, пп. 65–69.